

КОРХОНАЛАРНИ СТРАТЕГИК БОШҚАРУВДА ЗАМОНАВИЙ ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ

Эргашев Тохир Курбанович

Иқтисод фанлари номзоди, Доцент ҚарМИИ
tohir709@gmail.com

Тохинова Нигора Зокиржон қизи

Магистр ҚарМИИ
nigora.takhirova@gmail.com

Аннотация

Миллий иқтисодиётда корхоналарни инновацион (стратегик) бошқарувнинг асосий масалаларнинг ечимини топиш бугунки куннинг энг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Ҳозирги даврда кенг тарқалган, самарали бошқарув тизими бошқарувда инновацион воситалардан кенг фойдаланган ҳолда корхоналарни бошқаришнинг оптимал вариантларини излаб топиш ва уларни амалиётга қўллаш бўйича ечимлар топишга боғлиқ бўлади.

Калит сўзлар: Инвестиция сиёсати, инвестиция фаолияти, бюджет, сармоялар, ресурслар, стратегия, амортизация, самарадорлик, инвестиция муҳити.

Кириш

Ўзбекистон Республикасининг жадал ривожланишининг бугунки кундаги муҳим шартларидан бири иқтисодиётнинг барча тармоқларига, ижтимоий ва бошқа соҳаларга илм-фан ва техника ютуқларини кенг қўллаган ҳолда бошқарувнинг замонавий инновацион технологияларни тезкор жорий этиш ҳисобланади. Мамлакатимиз ҳозирги даврда келиб давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига танлаган ҳолда ислохатлар олиб борилаётганини гувоҳи бўлмоқдамиз. Чунки, ҳозирги кунда дунёда мураккаб иқтисодий сиёсий жараёнларни кечаётган бир пайтда, мамлакатни иқтисодий ҳалокатлар ёқасидан қутқариб қолиш ва уни ривожланиш йўлига олиб чиқиш учун оқилона илмий асосланган қарорларни қабул қилишни талаб қилинади. Бунинг учун замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда янги фикр, янги ғоя ҳамда инновацияларга таянган ҳолда давлат бошқарувини ташкил этиш ва такомиллаштириш муаммоларини ечими топиш бошқарув тизимида оқилона сиёсат юритиши зарур. Буни муаммоларни ечимини топган ҳар қандай давлат ушбу муракаб шароитда муваффақиятга эришади.

Инновациянинг мазмун моҳиятидан келиб чиқиб қарайдиган бўлсак бу – келажак деган маънони билдиради. Биз буюк келажакимизни қачон барпо этишимиз мумкин қачонки бу

ўзгаришларни бугундан бошлайдиган бўлсак, яъни уни айнан инновацион ғоялар, инновацион ёндашувга асосланган ҳолда йўлга қўйсак. Шундай экан жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳалари макро ва микро даражада шиддат билан ривожланаётгани ислоҳотларни мамлакатимизнинг жаҳон цивилизацияси етакчилари қаторига кириш йўлида тез ва сифатли илгариланишни таъминлайдиган замонавий инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларга асосланган ҳолда амалга оширишимиз зарур бўлади.

Ўзбекистон Республикасида бошқарув тизимида илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг асосий мақсади - мамлакатимизда макро ва микро даражадаги бошқарув тизимларида қарорларни қабул қилишда илмий асосланганлиги ошириш, оптимал вариантларини танлаш, муқобил вариантларини ишлаб чиқиш, соҳадаги илмий тадқиқот фаолияти ютуқларидан фойдаланган ҳолда бошқарув самарадорлигини ошириш, бошқарувнинг автоматлаштирилган тизимларидан фойдаланиш шунингдек, ривожланган мамлакатларнинг илғор тажрибасини чуқур ва танқидий ўрганган ҳолда мамлакатимиз иқтисодиётини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг янги босқичига олиб чиқишдан иборат.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили:

Бозор иқтисодиёти ва тўлиқ мустақил хўжалик юритиш шароитида фаолият кўрсатаётган корхоналарда стратегик қарорларни қабул қилиш, уларни бажарилишини таъминлаш жавобгарлиги тўлиқ бошқарувчи зиммасида бўлади. Бу эса ташқи муҳитнинг доимий ўзгариши ҳолатида бошқарувчилардан замонавий бошқарув билимларига эга бўлишни, бошқарувда замонавий инновацион усуллардан фойдаланишни тақозо этади. юклатилади.

Корхоналар доимий ўзгариб турувчи ташқи муҳит шароитида фаолият кўрсатар экан улар ўз фаолиятини шунга мослаштириши, бутун бошқарув тизимини доимий равишда такомиллаштириб боришлари, бошқарувда замонавий бошқарув усулларидан фойдаланишлари, ахборот алмашинув тизимларида АКТлардан унумли фойдаланишлари зарур бўлади. Бу эса ўз навбатида корхоналарни рақобатбардош бозор шароитларига кўпроқ инновацион ва стратегик менежмент усулларини қўллаган ҳолда мослашган очиқ тизимларга айлантириш имконини беради.

Олиб борилаётган илмий изланишларимизнинг асосий шarti ҳисобланган ва унда ишлатиладиган терминларга эътибор қаратиб унга аниқлик киритсак. Бугунги кунда соҳага тегишли бўлган илмий адабиётларда инновацион ва стратегик бошқарувнинг кўплаб таърифлар берилган бўлиб, улар концепциал кўп қиррали хусусиятга эга ва ташқи муҳит таҳсирида, жуда хилма-хил кўринишда ўзгаришига қараб изоҳланади ҳамда бу, атамани аниқлаштириш, тўлдириш ва янгилаш зарурлигини кўрсатади.

Дастлаб "стратегия" тушунчасини ўзини кўриб чиқамиз.

Фалсафий энциклопедияда стратегия атамаси субъектлар фаолиятини уларнинг имкониятларини, истикболларини, воситаларини, ўзаро алоқаларни ҳамда таъсирини амалга оширишга тўсқинлик қиладиган муаммолар, қийинчиликлар ва зиддиятларни ҳисобга оладиган инсоний муносабатларнинг ташкил этиш шакли сифатида талқин этилади [1]. Бундан кўришиб турибдики, ушбу атамани инсон билимларининг барча соҳаларида қўллаш мумкин.

Бошқа илмий адабиётда унга бошқача тариф берилади. Яъни, менежментда стратегия – бу асосий мақсадга эришишнинг умумий режаси бўлиб, у чекланган ресурслардан қайси йўналишларда фойдаланишни аниқлашни ўз ичига олади [2].

Бизнесга нисбатан стратегия тушунчаси эса қуйидагича талқинда ифодаланиши мумкин: Бизнес стратегияси бу келишилган қарорлар тўплами бўлиб, корхона ва ташкилот фаолиятига таъсир этувчи узоқ муддатли ва қайтариб бўлмайдиган оқибатларга олиб келувчи ҳаракатлар таъсирни аниқлашдан иборатдир [3].

Фанда илк бор "Стратегик бошқарув" атамаси йигирманчи асрнинг иккинчи ярмида Америка Қўшма Штатларда корхоналарда бошқарув даражасини ажратиш ва аниқлаш учун ишлатилган. Илмий йўналишдаги адабётлардан бизга маълумки стратегик бошқарув бу корхоналарда бошқарувнинг энг юқори даражасида, жорий бошқариш эса - ишлаб чиқариш даражасида амалга оширилади. Ишбилармонлик муҳитининг ўзгариши бу терминларнинг ишлатилиш шартларни фарқлашни тақозо этишини кўрсатади. Ўтказилган илмий таҳлиллар натижаси шуни кўрсатадики, корхоналарда стратегик бошқариш ғояларининг асосчиси америкалик олим Игор Ансофф ҳисобланади [4]. У ўзининг стратегик бошқариш соҳасида олиб борган илмий изланишлари натижаларини биринчи марта 1965 йилда нашр этган.

Стратегик бошқарув назарияси соҳаси асосчиларидан ва дунё миқёсида тан олинган олимлар Д.Шендел ва К.Хаттернинг таърифларига тўхталамиз ва уларни алоҳида-алоҳида кўриб чиқамиз [5]. Ҳар иккаласи ҳам стратегик бошқарувни, ташкилотнинг ташқи муҳит билан муносабатларини аниқлаш жараёни деб қарашган. Ушбу жараён белгиланган мақсадларни амалга оширишдан иборат бўлиб, ресурсларни тақсимлаш орқали атроф-муҳит билан алоқанинг керакли ҳолатига эришишга интилади. Бу ташкилот ва унинг бўлинмаларининг самарали ишлашига имкон беради. Д.Хиггинснинг фикрига кўра, стратегик бошқарув - бу ташкилотнинг атроф-муҳит билан ўзаро таъсирини бошқариш орқали ташкилотнинг миссиясига эришишга қаратилган бошқарув жараёни деб қаралади [6].

Тадқиқот методологияси.

Илмий изланишларимиз натижалари, иқтисодиёт тармоқларида фаолият кўрсатаётган корхоналарни стратегик бошқаришнинг инновацион ривожланишига таъсир кўрсатувчи омилларни қиёсий таҳлил ва солиштириш, тизимли таҳлил, усулларидан фойдаланилган ҳолда ўрганиб чиқилган.

Таҳлил ва натижалар:

Биз юқорида келтирган стратегик бошқарувга берилган тарифларни корхоналарни инновацион бошқариш жароёнларини таҳлил қилишда тўлиқ қўллаб бўлмайти. Чунки стратегик бошқарув ва инновацион ривожланиш оддий бошқарув тизимидан фарқли бўлиб унинг қирралари ҳар сафар илмий изланиш мақсадига қараб ҳар хил тарифланади.

Ҳозирги даврда стратегия бу самарали бизнес юритишнинг муҳим шартлари ва хусусиятларидан бири ҳисобланади. Амалиёт натижалари шуни кўрсатадики, ҳозирги замон рақобат муҳитида ҳеч қандай корхона аниқ мақсадсиз ва бошқарувда инновацион технологияларни қўлламай туриб муваффақиятли фаолият кўрсатишга эриша олмайди.

Мамлакатимизда бошқарувда жароёнларида инновацион бошқарув усулларини кенг қўламда қўлланилаётганлиги, иқтисодиётимиз ривожланишини рақамли технологиялар асосида амалга оширилаётганлигидан далолат беради. Бу бошқарув тизимида амалга оширилаётган кенг ислохатларнинг маҳсули ҳисобланади. Агар биз корхона даражасида стратегик бошқарувда "стратегия" тушунчасини аниқлаш ҳақида гапирадиган бўлсак, бу йўналишда биз қуйидаги тақлифларни беришимиз мумкин: Корхона стратегияси - бу ташкилий мақсадларга эришишга

қаратилган бизнесни ташкил қилиш ва рақобат усуллари аралашмасини ўз ичига олган кенг қамровли бошқарув режаси ҳисобланади. Бу эса ўз навбатида корхоналар даражасида стратегияни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бошқариш жараёнининг стратегик менежменти деб аталади.

Шундай қилиб юқоридаги таҳлил ва илмий изланишлар натижаларидан келиб чиқиб корхоналарнинг стратегик бошқаруву бу- стратегик мақсадларни белгилаш, стратегияни ишлаб чиқиш ва уни ўз вақтида амалга оширишни ташкил этиш жараёнинидир. Бу жараёни корхона бошқарувини шакллантириш деб таърифлаш мумкин.

Стратегик бошқарувни амалда корхона даражасида қўллашнинг асосий афзалликларини кўрсатиб ўтадиган бўлсак улар қуйидагиларда намоён бўлади:

- стратегик бошқарувнинг моҳияти - барқарор бўлмаган ташқи муҳитда омон қолиш ва самарали ишлаш қобилиятини сақлаш учун унинг фаолиятидаги ўзгаришларни доимий равишда кузатиб бориш ва баҳолаш асосида корxonанинг ривожланиш стратегиясини шакллантириш ва амалга ошириш;

- корxonанинг барча ресурсларини умумий стратегияга амалга оширишга қаратиш.

- иқтисодиётдаги ўзгаришлар натижасида юзага келадиган ҳолатларга янги имкониятларни излаб топиш ва юзага келиши мумкин бўлган таҳдидларнинг олдини олишга бошқарувчиларни тезда жавоб беришга ва оптимал қарорларни қабул қилишга йўналтириш зарур бўлади.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда корхоналарни инновацион воситалардан фойдаланган ҳолда стратегик бошқаришда жамият ривожининг ҳозирги ҳолатини ҳисобга олган ҳолда, бошқарувда шунга мос юқори сифатли технологиялар фойдаланиш тобора кўпроқ аҳамият касб этади. Шу сабали ҳам ҳозирги вақтга келиб келиб кўплаб ривожланган мамлакатлар иқтисодий ўсишнинг инновацион таркибий қисмига катта эътибор қаратишмоқда. Корхоналарни муваффақиятли стратегик инновацион бошқаришнинг ажралиб турадиган хусусияти бу уларнинг фаолиятида инновацион усуллардан фойдаланиш интенсивлигидир. Инновацион жараёнлар, инновацион маҳсулотлар ва инновацион дастурлар барча турдаги корхона учун тегишли бўлиб рақобатбардошлик даражасини таъминлаш учун асос бўлиб, унинг барқарор ривожланишини таъминлайди. Бизга маълумки инновация - бу узоқ вақт давомида корхонага рақобатчиларга нисбатан устунлик берадиган янги ташкилий-иқтисодий шаклларни жорий этиш билан бирга янги маҳсулотлар, технологиялар ва хизматларни яратиш жараёни ва келажакда истеъмолчилар эҳтиёжларини баҳолашга ва уларни ҳисобга олишга қизиқишнинг ортишидир. Корхоналарни стратегик бошқариш нуқтаи назаридан инновацияларнинг иқтисодий моҳияти ресурслардан олинadиган даромадни ўзгартиришдир.

Истеъмол нуқтаи назаридан у истеъмолчининг эҳтиёжларини қондириш ҳамда қийматининг ўзгаришини ўзида мужассам этиш ҳисобланиб, корхоналарга ресурслардан оқилона фойдаланишда ёрдам беради. Шу билан бирга корхоналарнинг бизнесини шакллантириш ёки рақобатбардошлигини ошириш учун маҳсулот турини диверсификациялаш ва шунга мос янги техника ҳамда технологияларни қўллашни таъқозо этади.

Корхоналарни стратегик бошқаришнинг инновацион ривожланиши инновацион тадбиркорлик билан боғлиқ. Инновацион тадбиркорлик деганда техник ва технологик янгиликларни яратиш ва тижорат мақсадларида фойдаланиш жараёни тушунилади. Одатда, тадбиркорлик янгиликлари янги эҳтиёжларни қондирадиган янги бозорни яратишга имкон берадиган маҳсулотлар ёки хизматлар соҳасидаги янгиликларга таянади. Инновация - бу

тадбиркорликнинг ўзига хос воситаси. Инновацияларни яратиш ва амалга ошириш жуда мураккаб ва хатарли жараёндир. Унинг мураккаблиги шундаки, ҳали мавжуд бўлмаган ушбу ишлаб чиқариш ва иш воситаларини яратиш ёки таниқли аналоглардан сифат жиҳатидан устун бўлиши керак бўлганларни модернизация қилиш зарур. Бундан ташқари бу жараёнда, маълум бир хатарлар мавжуд, чунки истеъмолчи янги маҳсулотни қандай қабул қилиши номаълум ва агар янги маҳсулот ишлаб чиқаришга киритилса, унинг иқтисодий мослашуви ва самарадорлиги ҳам номаълум бўлади. Инновацион жараёни инновацион ғоялардан ва корхоналар учун инновацион сиёсатни шакллантириш ва инновацион лойиҳаларни амалга ошириш учун тегишли муассасалар ва ташкилотларни ташкил этишни ўйлаш кераклиги аён бўлади. Инновацион ғоялар инновацион жараёнинг умумий занжиридаги баъзи муаммоларни ҳал қилишлари учун керак бўлган ва бир-бирига боғлиқ бўлган ташкилотларни шакллантириш учун асос бўлиб хизмат қилади. Инновацион лойиҳаларни яратишдаги муҳим вазифалардан бири бу муаммоларни ҳал қилиш ва аниқ мақсадга эришишга қодир бўлган тузилмани шакллантиришдир. Инновацияларни яратиш жараёнида пайдо бўладиган вазифаларни бажариш учун корхона тузилиши динамик бўлиши ва унинг параметрларини ўзгартириш имкони бўлиши керак.

Корхоналар фаолият кўрсатишни бошлар экан уларнинг ташкилий тузилмалари аниқ мақсадларга эришиш учун шакллантирилади. Корхонани стратегик бошқаришда инновацион усулларни қўлланилар экан унинг ўз мақсадларига эришишида бошқарувдаги қуйидагилар яъни ижодий гуруҳлар, уларнинг фикрлари, тахминларини, унга эришиш шакллари ва усулларини таҳлил қилишни ҳисобга олишни талаб қилади. Инновацион корхоналарда инновацион жараёнларни бошқаришда, фундаментал ва амалий тадқиқотлар ҳамда инновацион ривожланишга, техник ва технологик янгиликларни ишлаб чиқаришга жорий этишга, маҳсулотларнинг янги турларини ишлаб чиқаришни амалга оширишга ва унинг мазмун ва моҳиятини ҳисобга олган ҳолда шаклланишига аҳамият қаратади. Бу жараён эса алоҳида тадбирлардан иборат бўлиб алоҳида инновацион корхона яратишга асос бўлади. Ҳар бир инновацион корхона умумий инновацион жараёнда ўзига хос бўлган бўғинларни шакллантиради. Барча корхоналар бир-бири билан ўзаро алоқада бўлишади. Инновацион корхоналарнинг шаклланиши ва фаолияти инновацион жараёнинг мантиқи, хусусан, уни келтириб чиқарадиган меҳнат тақсимоли билан тартибга солинади.

Корхоналарни стратегик бошқаришнинг инновацион ривожлантириш инновацион тадбиркорлик билан узвий боғлиқ ҳолат бўлиб у эса янги маҳсулот ёки хизмат турини яратишдаги махсус ижодий жараён ҳисобланади. Ушбу ҳолат доимий равишда янги имкониятларни излашга ва янгиликка йўналишга асосланган стратегик бошқарув жараёнидир. Тадбиркор ушбу вазиятда юзага келадиган молиявий, маънавий ва ижтимоий жавобгарликдан ташқари, янги лойиҳани амалга ошириш ёки мавжуд лойиҳани такомиллаштириш хавфини тўлиқ ўз зиммасига олишга тайёр туради. Умуман олганда, инновацион тадбиркорликни, инновацияларни амалий қўллаш орқали, ўзига хос хусусиятларига кўра, товарлар ва хизматларни ёки технологияларни яратишга олиб келадиган ижтимоий-техник ва иқтисодий жараён деб таърифлаш мумкин. Бу жараёни корхоналарни стратегик бошқаришнинг инновацион ривожлантириш истиқболи деб қараш мумкин.

Хулоса ва таклифлар

Юқоридаги таҳлил натижалари бўйича корхоналарни стратегик бошқаришнинг инновацион ривожлантириш бу келажакда корхоналар учун қуйидаги имкониятларни яратиш беради:

1. Маҳсулотни янгилаш, яъни корхонанинг маркетинг салоҳиятини янгилаш, компаниянинг ҳаётийлигини таъминлаш, фойдани ошириш, бозор улушини кенгайтириш, ўз мижозларни сақлаб қолиш ва уларни сонини ошириш, мустақил мавқе ва обрў-эътиборни мустаҳкамлаш, янги иш ўринлари яратиш ва ҳ.к.

2. Технологик инновациялар жорий қилиш жараёни яъни бу ишлаб чиқариш имкониятларини модернизация қилиш жараёни, бу меҳнат унумдорлигини оширишга, энергия, хом ашё ва бошқа ресурсларни тежашга қаратилган бўлиб, бу ўз навбатида компания фойдасини кўпайтириш, хавфсизликни таъминлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш чораларини кўриш ва ахборот тизимларидан самарали фойдаланишни таъминлайди.

3. Ижтимоий жиғатдан инновациялар - бу ташкилотнинг гуманитар соҳасини мунтазам такомиллаштиришнинг умумий жараёни ҳисобланиб бунда янгиликлардан фойдаланиш меҳнат бозорида имкониятларни кенгайтиради, корхона ишчиларини белгиланган мақсадларга эришиш учун сафарбар қилади ва ташкилотнинг ишчилар ва умуман жамият олдидаги ижтимоий мажбуриятларига ишончини мустаҳкамлайди.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Кемеров В. Философская энциклопедия. - М.: Панпринт, 1998. [Электронный ресурс]- <http://www.term.ru/dictionary/183/word/strategija>.
2. Глоссарий по менеджменту, проект perfekt.ru [Электронный ресурс]. - <http://www.vocable.ru/dictionary/776/word/strategija>.
3. Стратегия бизнеса. Справочник. [Электронный ресурс]. <http://slovari.yandex.ru/Лопатников/Стратегия> бизнеса
4. Ансофф И. Стратегическое управление. Пер. с англ. - М.: Экономика, 1989. - 358 с.
5. Schendel D. E., Hatter K. J. Business Policy or Strategic Management: A Broader View for an Emerging Discipline. Academy of Management Proceeding. August, 1972.
6. Higgins J.M. Organizational Policy and Strategic Management: Text and Cases. 2nd ed. Chicago, The Dryden Press, 1983
7. Хуррамов Азамат Файзуллаевич, Аралов Худоёр Мусакулович, & Маматов Мамажан Ахматжанович (2022). МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИНГ ТАРМОҚ ТАРКИБИНИ ТАКОМИЛЛАШУВИГА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ТАЪСИРИ. Экономика и финансы (Узбекистан), (7 (155)), 2-10. doi: 10.34920/EIF/VOL_2022_ISSUE_7_1
8. Atajanovich Mamatov, A., Fayzullaevich Khurramov, A., Ahmadjonovich Mamatov, M., Davlatkulovich Anarkulov, A., & Khazratkulovich Khasanov, S. (2021, December). Integral Improvement of Economic Safety of the Regions. In *The 5th International Conference on Future Networks & Distributed Systems* (pp. 728-732).
9. Murodov, J. (2020). Мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасида олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохатлар кўлами. *Архив научных исследований*, (29).
10. Утанов Б., Маматкулов Б., Ахмедова М., Муродов Дж. и Абдикулова Д. (2021). Взаимосвязь взаимодействия сельскохозяйственного производства с объемом дехканского производства в Узбекистане. *Илкогретим Онлайн*, 20 (3).
11. TUYGUNOVICH, A. A., OGLI, S. O. A., & QIZI, K. Z. K. Problems of Improving Stock Market Trading Mechanisms in Uzbekistan. *JournalNX*, 6(07), 330-334.

12. Alikulov, A. T., Qudratova, M. P., & Xushvaqov, I. M. (2021). Analysis of the Activities of Securities of Commercial Banks at the RSE "Tashkent". *Middle European Scientific Bulletin*, 18, 327-332.
13. Alisherovich, T. S., & Iskandarovich, R. R. (2021). Prospects for Household Entrepreneurship Development. *Academic Journal of Digital Economics and Stability*, 79-84.
14. Iskandarovich, R. R. (2022). QISHLOQ XO 'JALIGIDA AGROKLASTERLARINI BARPO ETISHNING XORIJ TAJRIBALARI. *Gospodarka i Innowacje.*, 24, 390-394.
15. Djalilov, R. H. (2021). The role of the cameral tax audit in the tax control of the republic of uzbekistan.
16. ДЖАЛИЛОВ, Р. РОЛЬ ИСТОЧНИКОВ ИНФОРМАЦИИ В СОВЕРШЕНСТВОВАНИИ НАЛОГОВОГО КОНТРОЛЯ В УСЛОВИЯХ ПАНДЕМИИ. *ECONOMICS*, (3), 42-46.
17. Alisherovich, T. S. (2022). ECONOMIC CONTENT OF HOUSEHOLDS. *Gospodarka i Innowacje.*, 150-155.
18. Alisherovich, T. S., & Isoqovna, A. G. (2022). Organizing Fundamentals of Digital Audit in the International Practice. *Miasto Przyszłości*, 24, 424-426.
19. Бердиев, А. Х. (2020). Использование инноваций в сельском хозяйстве является главным фактором эффективности. *Вестник науки и образования*, (3-2 (81)), 9-14.
20. Бердиев, А. Х., & Расулов, Х. К. (2020). Туризм-перспективный сектор экономики Узбекистана. *Economics*, (2 (45)), 14-18.
21. A.J. Musagaliev, & B.T. Shodiev. (2022). Methodological Issues of Location and Effective Use of Wells in Pastures in Uzbekistan . *Partners Universal International Research Journal*, 1(1), 1–5. <https://doi.org/10.5281/zenodo.6387977>
22. Musagaliev, A. J., & Shodiev, B. T. (2023). Issues of Efficient Usage of Pastures in the Development of the Cattle Farming Network. *UTTAR PRADESH JOURNAL OF ZOOLOGY*, 44(1), 81-87. <https://doi.org/10.56557/upjz/2023/v44i13394>
23. Farmanov, J. Z., Rimboeva, N., & Qaxramonov, F. (2022). MAMLAKATIMIZDA AGRAR SIYOSATNI AMALGA OSHIRISHNING ASOSIY YO'NALISHLARI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(3), 1191-1197.
24. Farmanov, J., & Ogabek, S. (2021). The encourages of increasing agriculture economy by the government. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(3), 2477-2479.
25. NORMAMATOVICH, K. O., EGAMBERDIYEVNA, A. K., & HAKIMOVICH, B. K. Creating a Favorable Environment for Attracting Foreign Investment and Strengthening Its Legal Framework. *JournalNX*, 6(05), 53-56.
26. Khakimovich, B. K. . (2022). Development of Private Capital Financial Statement Audit Methodology in Accordance with International Standards. *European Multidisciplinary Journal of Modern Science*, 4, 299–303.
27. Бутунов, Ш. Б. (2021). THE IMPACT OF MACROECONOMIC AND BANKING FACTORS ON THE LEVEL OF NON-PERFORMING LOANS: RESULTS FOR THE CIS COUNTRIES. *Economics*, (3 (50)), 33-42.
28. БУТУНОВ, Ш. ВЛИЯНИЕ МАКРОЭКОНОМИЧЕСКИХ И БАНКОВСКИХ ФАКТОРОВ НА УРОВЕНЬ НЕДЕЙСТВУЮЩИХ КРЕДИТОВ: РЕЗУЛЬТАТЫ ПО СТРАНАМ СНГ. *ECONOMICS*, (3), 33-42.

29. Muzaffarova, K., & Abdugarimov, K. (2022). FACTORS INFLUENCING THE FORMATION OF THE INVESTMENT ENVIRONMENT IN THE REGIONS. *Eurasian Journal of Social Sciences, Philosophy and Culture*, 2(5), 278-28
30. Музаффарова, К. З. (2022, December). ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ ИҚТИСОДИЁТИГА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ЖАЛБ ЭТИШ ОМИЛЛАРИ. IN *INTERNATIONAL CONFERENCES* (Vol. 1, No. 18, pp. 131-134).
31. Эгамбердиевна, А. Х. (2021). ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШДА ХУҚУҚИЙ ВА ИНСТИТУЦИОНАЛ АСОСЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ. *Журнал Инновации в Экономике*, 4(5).
32. Azimova, N. (2019). RISING THE INCOME OF POPULATION–THE GUARANTY OF LIVING STANDARD. *International Finance and Accounting*, 2019(3), 7.
33. Равшанов А. Д. Абдисалом Дусиёрович, Хасанов Шамсиддин Хафизович, & Алимханова Нигора Алимхановна (2018). Қишлоқ хўжалигини инвестицион- инновацион ривожлантириш имкониятлари ва истикболлари. *Экономика и финансы (Узбекистан)*, (11), 9-14.
34. Murodova, N. U., Temirova, F. S., Alimkhanova, N. A., Dostova, M. K., & Azimova, K. E. IMPROVING THE CALCULATION OF INVENTORIES OF GOODS IN ACCOUNTING.
35. Жумаева, Г. Ж., Хасанова, Ю. М., & Рузиев, З. И. СВОБОДНЫЕ ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ЗОНЫ И ИХ РОЛЬ В РАЗВИТИИ ЭКОНОМИКИ УЗБЕКИСТАНА.
36. Жумаева, Г. Ж. (2020). ИСТОРИЯ РАЗВИТИЯ ХОЗЯЙСТВЕННОГО УЧЕТА И АНАЛИЗА. *Экономика и социум*, (3 (70)), 283-286.
37. Эгамбердиева, С. Р. (2021). ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ВА ЛОЙИҲАЛАРНИ АСОСЛАШДА ИННОВАЦИОН ҲИСОБ ТИЗИМИНИНГ АҲАМИЯТИ. *Журнал Инновации в Экономике*, 4(5).
38. Egamberdiyeva, S. R., Qodirov, F. I., & Shopiyev, R. R. (2022). BUXGALTERIYA HISOBINING MILLIY STANDARTLARINI MNXS GA UYG ‘UNLASHTIRISH ASOSIDA TAKOMILLASHTIRISH. *Gospodarka i Innowacje.*, 24, 353-358.
39. Аминов Ф.Б. (2023). ЖИЗНЕННЫЙ УРОВЕНЬ НАСЕЛЕНИЯ ПО РЕГИОНАМ УЗБЕКИСТАНА. *Экономика и социум*, (2 (105)), 434-443.
40. Аминов, Ф. Б. (2022). РОЛЬ ФИНАНСОВЫХ РЕСУРСОВ В ИННОВАЦИОННОМ РАЗВИТИИ ЭКОНОМИКИ. *Economics*, (1 (51)), 26-29.